

**«ESKI JUVA DEHQON BOZORI» АЖ
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш
БАЁН Иидан қўчирма**

2018 йил 24 апрел

Тошкент шахри

Ўтказилган жойи: Тошкент шахри, Шайхонтохур тумани, Бозор майдони 28 уй.

Акциядорларнинг 2017 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шахар Шайхонтохур тумани Бозор майдони, 28 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2018 йил 24 апрел куни ўтказилди. Йигилишда 1727549 овозга эга 18 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 78,45 % ни ташкил этади, йигилиш ўтказиш хукуқига эга.

Жамият Устав жамгармасининг 78,39 %га эгалик қилувчи Тошкент шахар хокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шахар хокимлиги мутахассиси Хайдаров Бахтиёр Тулқунович қатнашди.

Йигилиши раёсатига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:

Хайдаров Б. – Тошкент шахар хокимлиги мутахассиси,

Камолов Т.К. – “Тошбозорсавдо” уюшмаси бўлим бошлиғи, жамият кузатув кенгаши аъзоси,

Машарипов О. – «Эски жува дехкон бозори» АЖ директори .

Йигилиши котибиятига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:

Ахмедова Гулнора.

Йигилиши саноқ хайъатига қўйидаги ходимлар сайландилар:

Ибрагимова Гулчехра, Арусланова Ракия, Музафарова Гулнора.

Йигилишга «Эски жува дехкон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

Йигилиш кун тартиби:

1. Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшлиши.

2. Жамиятнинг 2017 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташки аудиторлик текшируви хulosасини кўриб чиқиши.

3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хulosалари.

4. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича фойда ва заарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.

6. Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг директори меҳнат шартномасини узайтириш.

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиши.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 апрелдаги 01-03/1-2682-сонли баёни ижроси ҳақида.

Йиғилиш регламенти қуидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чиқувчиларга 5 минутгача.

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдириди. Саноқ хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Эски жува дехқон бозори» Акциядорлик жамияти ижроия органи хамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансан. (Ёқлаган 1727549 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

2. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан “NAZORAT AUDIT” аудиторлик ташкилоти МЧЖнинг 2018 йил 05 апрелдаги ижобий аудиторлик хulosаси инобатга олинсан. (Ёқлаган 1727549 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2017 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хulosаси инобатга олинсан ва тасдиқлансан. (Ёқлаган 1727549 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсан ва тасдиқлансан. (Ёқлаган 1727549 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

5. Жамиятнинг 2017 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб-варафи тасдиқлансан.

5.1. Жамиятнинг 2017 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича 117413.1 минг.сўм. миқдорида олинган соф фойда аввалги йилларда олинган зарарни қоплаш учун йўналтирилсан. (Ёқлаган 1727549 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

6. Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си хамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик ўзгартириш киритиш шарти билан, тасдиқлансан. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсан. (Ёқлаган 1727549 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

7. “ESKI JUVA DEHQON BOZORI” АЖ директори Машарипов Одамбой Сапарматович билан тузилган меҳнат шартномаси акциядорларнинг навбатдаги умумий йиллик йиғилишига (2018 йил якунлари бўйича) қадар узайтирилсан.

7.1. Машарипов О.С. билан меҳнат шартномасини тузиш, кўшимча моддий рағбатлантириш тўловларини ва шартларини белгилаш бўйича ваколат жамият кузатув кенгаши раисига берилсин. (Ёқлаган 1727549 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:

8.1. Содиков Шухрат Закиржанович	1727549 та овоз
8.2. Акбарова Яйра Сайдаминовна	1727549 та овоз
8.3. Халиллаев Расулжон Аминбаевич	1727549 та овоз
8.4. Камолов Толмас Каримович	1727549 та овоз
8.5. Иброҳимов Тулқин Собитович	1727549 та овоз
8.6. Каримов Малик Рахимович	1727549 та овоз
8.7. Тўрабеков Машраббек Улугбекович	1727549 та овоз
8.8. Алимов Иномжон Сайдкулович	1727549 та овоз
9.9. Кучаров Элмурод	1727549 та овоз

9. Тафтиш комиссиясига Абдуллаева Гулчехра Эркиновна, Нурматова Марина Каримовна ва Абдухаликова Барно Сайдаминовна сайлансин. (Ёқлаган 1727549 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин. (Ёқлаган 1727549 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

11. Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири раислигида 2018 йил 05 апрелда ўтказилган № 01-03/1-2682 сонли йиғилиш қарорида “2017/2018/ йил қишибаҳор мавсуми учун зáхирага жамгарилган пиёзни қолган қисмини нес-нобуд қилмаслик учун корхона ва ташкилотларга ҳамда маҳаллаларга бепул тарқатиш ва пиёз жамғариш учун ажратилган маблағларни қайтариш захира тадбирларига жалб қилинган деҳқон бозорлари ва савдо комплексларининг ҳамда “Тошкент агрозахира” ДУКнинг дивидендлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилган”лиги масаласи Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида акциядорлар жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиши, олган дивидендини эркин тасарруф этиши хуқуқига эгалиги кўрсатилганлигини инобатга олиб, 1727549 та бетараф овоз берилганлиги боис, ушбу масала тасдиқланмади(Ёқлаган – 0 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 1727549 – 100 %, овоз бермади 0 – 0 %).

Баённома имзоланган сана: «03» май 2018 йил.

Йиғилиш раиси

Котиба

 Т.Камолов

Г.Ахмедова